

В.М.Каримова,
психология фанлари доктори, профессор

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ГЕНДЕР-МЕНЕЖМЕНТ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ МУАММОСИ

Ҳар бир алоҳида ижтимоий - иқтисодий тузум, ижтимоий шарт - шароитлар ўз даврининг вакиллари руҳиятига таъсир кўрсатмай қолмайди. Ҳар бир шахс ўзига хос бир дунё, ноёб ва қайтарилмас мавжудот бўлгани билан у ўз ён атрофида содир бўлаётган барча ҳодиса ва воқеаларнинг инийкоси ҳамдир. Мустақилликнинг 20 йиллик даврида юртимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ва оламшумул ислохотлар ўзбекистонлик хотин-қизларнинг миллий қиёфаси ва характерида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй беришига олиб келди. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтаётган мустақил юртимиздаги жамият аъзоларининг миллий ўзлиги ва характерини шакллантирувчи омилларни билиш, унинг ўзгариши ва ривожланиши тенденцияларини башорат қилиш жамиятни бошқариш, унда камол топаётган ёш авлод баркамоллигини таъминлашнинг кафолатларидандир. Бундай ўзгаришлар ўзларини истиқболда жамият равнақиға ҳисса қўшишни ният қилган иқтисодчи талаба қизлар психологияси ва руҳиятиға ҳам алоқадордир.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети юртимизда малакали иқтисодчи кадрлар тайёрловчи олий ўқув юрти сифатида ҳар йили халқ хўжалигимизнинг турли тармоқларига юзлаб иқтисодчи хотин-қизларни тайёрлаб беришда ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Биз университетнинг педагогика ва психологияси кафедраси ҳамда Республика “Оила” илмий-амалий маркази ҳамкорлигида **“Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини самарали ташкил этишда гендер - менежмент дастурларидан фойдаланиш”** илмий техникавий дастури доирасида қатор йиллар мобайнида ушбу муаммоларға алоқадор бир қанча масалаларни ўрганиб келмоқдамиз.

Муаммолар орасида қизларни бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош кадрлар қилиб тайёрлаш, бунда уларнинг психологик жинсига алоқадор ижтимоий психологик ҳолатларни инобатға олган таълим технологияларини ташкил этишға хизмат қиладиган дастурлар яратиш масаласи бизнинг назаримизда амалий аҳамиятға молик йўналишлардан ҳисобланади. Хўш, бунда қайси ижтимоий психологик омилларға биринчи навбатда эътибор қаратиш лозим? Бизнингча, биз тадқиқотчилар биринчи навбатда бугунги қизларимиз психологиясидаги етакчи мотив ва шахс хусусиятларини ўрганишдир.

Биринчидан, иқтисодчи қизларнинг характер хусусиятларида ўзига хослик мавжудми, деган саволға назарий ва амалий жавоб қидирдик. Зеро, бу тушунча психологияда инсон руҳиятиға алоқадор бўлган энг анъанавий ва қадимий тушунчалардан. Лекин шундай бўлса ҳам бу тушунча ўзининг тугал ечимини топган деб айтиш қийин. Гап шундаки, бу тузилма энг ўзгарувчан ва беқарордир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, алоҳида шахснинг

характерологик сифатлари билан у мансуб бўлган яхлит миллат ёки психологик жинс сифатлари (аёллик) ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Миллий характерни ўрганишнинг мезонлари ёки тамойиллари тўғрисида гап кетганда, асосий фикр шуки, унинг устувор сифатлари жамиятда давр тақозоси билан содир бўладиган муҳим воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, фаолият турлари ва ўзлигига муносабатига боғлиқ тарзда шаклланади. Масалан, мустақиллик йилларида шаклланган муносабатларни олайлик. Халқ бу буюк неъматни мустақилликнинг илк даврларида унинг бутун кадр-қиммати билан баҳолай олмаган бўлса ҳам, қисқа ўтган даврда мустақиллик яратган имкониятлардан манфаатдорлик руҳи шаклланиб борган сари ўзбекистонлик хотин-қизлар ҳам дадилроқ, эркинроқ, мустақилроқ, тадбиркорроқ, самимийроқ шу билан бирга ўз мақсадлари сари дадил интиладиган, бу йўлдаги тўсиқлар ёки қийинчиликлардан чўчимайдиган бўлиб бормоқда. Шу ўринда биз назарий ва таҳлилий жиҳатдан юртдошларимиз бўлган хотин-қизларни характериға кўра қуйидаги гуруҳға бўлиб ўргандик:

1. **Консерватив** психологияни ўзида мужассам етувчилар гуруҳи. Улар турли анъана ва удумларға тўла эргашувчилар, консерватив фикрлайдиган, турли фикр ва қарашларға нисбатан эҳтиёткор, ўз маҳалласи ва оилавий муносабатларға тез мослашадиганлар. Чунки улар “кўпчилик ҳақ” деган фалсафаға таяниб яшайдилар.

2. **Тадбиркор типлар** - улар ўзи ва ўз мақсад - эҳтиёжларига йўналган, замона зайлини тез англайдиган, тадбиркор-таваккалчи, ўзини ва ўзидаги сифат ҳамда фазилатларни ўзгаларға позитив нуқтаи назардан намоён эта оладиган, ўз олдиға узоқни кўзлаган мақсадлар кўя оладиганлар типи. Уларда иқтисодий тафаккур кучли ривожланган ва ҳар қандай ҳаракатларнинг моддий ва маънавий қийматини тушунади. Таъкидлаш лозимки, муҳтарам юртбошимиз И. Каримов томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинган жорий 2011 йилда тадбиркор хотин-қизлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса, оилавий бизнесда уларнинг улуши ва салоҳиятли жуда сезиларли. Яратилаётган янги иш ўринларини эгаллаётганлар ҳам, уларни бизнес субъектлари сифатида яратаётганларнинг салкам ярмини тадбиркор хотин-қизлар ташкил этмоқда.

3. **Технологик типлар** янгича технологик ўзгаришларға ўч, жамиятнинг тараққиётини ҳис қиладиган, кўпроқ унинг талабларига мослашган, доимо янгиликка интилан, ахборот технологияси соҳасида эркалар билан теппа-тенг фикрлайдиганлар типи. Улар янгидан янги фирмаларда муваффақият билан фаолият юритмоқдалар. Чунки бундай аёллар ҳаттоки уй юмушларини бажаришда ҳам фан ва технологиянинг энг янги ютуқларига таяниб иш кўришни афзал кўрадилар, янгича ишлашға, яхшигина сармоя топишға, корпоратив ҳамкорликка мойил аёллардир.

4. **Уй бекалари типи.** Бу типға мойиллар қиз болалик давриданок билинади. Улар фақат уй-рўзғор билан боғлиқ малакаларға эға бўлишни афзал кўрадилар ва турмуш кургач ҳам фақат оилавий ўзаро муносабатларда уста бўлишни хоҳлайдилар, яхши, соғлом фарзандлар туғиб, уларни соғ-саломат вояға етказиш ҳам уларнинг муддаолари. Айтиш жоизки, бу тип ҳам жамият

учун керак, чунки улар бутун умрларини оилага бағишлаш, бола тарбиясини устувор билганлари боис фарзандлар баркамол ва соғлом бўлади. Фақат давр талаби шуки, улар ақлли, маънавиятли ва соғлом фарзанд ўстиришлари учун ўзлари билимли, малакали, саводхон бўлишлари керак. Шу боис уй бекаларининг кўпчилиги бажонидил турли ўқув марказларида малакаларини оширмоқдалар.

Ҳар бир ажратилган типларда ҳам ижобий, ҳам салбий сифатлар мавжуд. Масалан, биргина мулкка муносабатни оладиган бўлсак, биринчи тоифа вакиллари руҳиятида “кичкина одам” психологияси устун бўлгани учун ҳам улар эл қатори ҳаёт кечириш, бориға шукур қилиш, бир-бирларига қараб мослашувчанликни намоён қиладилар. Буларни қишлоқларимизда ҳаёт кечираётган кўпчилик ташкил етиб, турмуш ташвишлари ҳақида қайғуришни ҳам улар бошқаларга-лидерларга ишониб топширадилар. Иккинчи тоифа эса мулкни (маблағлар, моддий бойликлар) шахсий манфаатига бевосита хизмат қилдира олади, мулкка эғалик ҳисси уларда тўғри меҳнатни ташкил қилиш, ўз вақтида дам олиш ва ташкилотчилик ҳамда лидерлик сифатларини тўла кўрсатишга интилишни келтириб чиқаради. Ҳозирги фермер аёлларнинг аксарияти ана шундай сифатлар соҳибларидир.

Ижтимоий характернинг анъанавий сифатлари, яъни, миллий расм-русмлар туфайли авлоддан авлодга ўтиб келаётган сифатлар - самимият, соддалик, камтарлик, меҳмондўстлик, очикқўнгиллик, ишонувчанлик, ширинсуханлик, таъсирчанлик, оилапарварлик, илм ва зиёни қадрлаш ва ҳоказоларни сақлашда ҳам ўзбекистонлик хотин-қизларнинг ўрни ва роли сезиларли. Бундан ташқари, улар айтишди шу ўзбекона ва шарқона сифатларни ўз фарзандлари онгига сингдирувчи ва авлоддан авлодга етказувчи шахслардир.

Биз юқорида ажратган тоифалар биринчидан, жамиятимиз ҳаётида хотин-қизларнинг ўрнини билдирувчилар сифатида ён-атрофидаги қизлар тарбиясига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатувчилардир. Иқтисодиёт йўналишида мутахассис бўлишни ният қилган талаба қизлар ҳам ўз ижтимоий ҳуқуқ-атворида у ёки бу тоифа психологияси таъсирида бўлганлар, десак хато бўлмайди. Лекин янги таълим технологияларига, инновацион ва юқори технологик таълим дастурларига асосланган ўқув муассасаси қизлардаги шахсий сифатларни мақсадли тарзда шакллантириши ва улардаги гендер тафовутларни фаолият ва келгусидаги оилавий ҳаёт манфаатларига зид бўлмаган тарзда тарбиялашга хизмат қилиши мумкин.

Чунки мустақиллик йилларида узлуксиз таълимнинг барча босқичларида ишларимизни самарали ташкил этишда янги инновацион технологияларни дадил қўллаётганлигимиз, бунда замонавий ўқитиш технологияларини жамиятимизда асрлар давомида қадрланаётган маънавиятимиз дурдоналари, таълим ва тарбия борасида орттирган миллий тарбия услубларимиз билан уйғунлаштириш олаётганлигимиз ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бунда ижтимоий психологик технологияларнинг аҳамияти ҳам каттадир.

Узлуксиз таълимни ислоҳ қилишда психология фанининг роли шунда намоён бўладики, яхши педагог аввало таълим олувчи ва

тарбияланувчиларнинг ички оламини, психологиясини, ижтимоий хулқиға ижобий таъсир кўрсатиш маҳоратини эгаллаган бўлиши, бунда талабаларнинг гендер хусусиятларини ҳам инобатга олиши лозим. Иқтисодиёт йўналишида касб таълими соҳасини танлаган қизлардаги психологиянинг ўзига хослиги нимада? Аввало шуни эътироф этиш лозимки, иқтисодиёт йўналишида касб таълимини танлаган талаба-ёшлар жинсидан қатъий назар, ўзларини иқтисодчи сифатида идрок этади ва бу танлов тасодифий бўлмайди.

Ўтказилган кўплаб тадқиқотларнинг кўрсатишича, ушбу соҳани танлаган йигит-қизларнинг аксарияти учун ўз оиласи ва ота-оналарнинг нима билан машғул бўлиши етакчи аҳамият касб этади. Ўтказилган тадқиқотлар отанинг ўғилга, онанинг эса қизга таъсири бевосита эканлигини исботлади. Эътиборлиси шундаки, **оиладаги демократик муносабатлар, яъни, ўзаро ҳурмат, тотувлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, масъулиятлилики рағбатлантириш кабилар болада илк ёшлигиданок тўғри иқтисодий тафаккурнинг ривожига ижобий таъсир этади.** Одатда ота ёки она болага нисбатан зуғум қилган, авторитар муносабатлар устувор бўлган оиладан яхши иқтисодчи чиқмайди. Демак, ёшларда тўғри иқтисодий тафаккур ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришнинг дастлабки омили – оила ва оилавий муносабатлардир. Бундай таъсир айниқса қизлар психологиясида бевосита намоён бўлади.

Ўз оналаридан фарқли ўлароқ, замонавий қизлар иқтисодчи касбини танлар экан, уларнинг аксарият қисми келажакда менежер, бошқарувчи, раҳбарлик карьераси тўғрисида ҳам ўйлайди. Шу боис ҳам улар ўз маълумотларини йигит тенгдошларига нисбатан ошириш, тинимсиз ўз устида ишлашни мақсад қилиб қўяди. Чунки таълим жараёнида уларнинг онгига сингдириладиган фикр шуки, яхши иқтисодчининг умумий маълумотлилики даражаси аҳолининг бошқа қатламларидан юқорироқ бўлиши, унда ижобий маънода карьеристлик, яъни, мансабга интилиш бўлиши керак.

Бундан ташқари, улар иқтисодчи касби йўналишини танлаш билан биргаликда олий маълумотли менежер энг аввало ўзгалар фаолиятини мувофиқлаштириш орқали корхона ёки ташкилот равнақига эришишни билиши шартлигини, бунда психологик билимлар одамлар билан самарали ишлаш учун зарурлигини ҳам англаши керак.

Раҳбарлик карьерасини мақсад қилган хотин-қизлар талабалик даврлариданок, гендер-менежментдан хабардор бўлишлари ҳам аҳамиятлидир. Яъни, бошқарувда гендер-менежментни инобатга олиш, хотин-қизларнинг ўз психологик жинсига оид хусусиятларини керакли йўналишда шакллантириш ҳам касбий таълимнинг муҳим йўналиши сифатида қаралмоғи лозим. Зеро, бугун Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг деярли барча соҳаларида хотин-қизлар эркалар билан баробар фаолият юритмоқдалар ва уларнинг иқтисодчи-бошқарувчи-тадбиркор сифатида роли ва ўрни ҳам кундан кунга ошиб бормоқда. Бунинг учун мамлакатимизда барча имкониятлар, ҳуқуқий кафолатлар, имтиёзлар яратилган.

Гендер-менежмент аввало ҳам иқтисодий, ҳам психологик тушунча бўлиб, у аввало тадбиркорлик ва бошқарув фаолиятида эркалар ва хотин-

қизлар учун тенг имкониятлар макони яратилган шароитда уларнинг психологик жинси хусусиятларини инобатга олган таълимий бошқарув дастурларини тақозо этувчи шарт-шароитларни назарда тутди. Гендер-менежмент дастурлари айнан ҳар бир тадбиркор раҳбарнинг профессионал малакасини ошириш, улардаги тадбиркорлик лаёқатлари ўстириш ва такомиллаштиришда психологик жинси ва шахсига оид хусусиятларини инобатга олиш, Ўзбекистон шароитида шарқона одоб ва муомала маданиятини, миллий ва маънавий қадриятларимизнинг ўзига хос таъсирчан кучини эътироф этишдан иборатдир.

Ўтказилган тадқиқотлар хотин-қизлар бошқарувининг эркак бошқарувчига солиштирилганда, хотин-қизлар жамоасини бошқаришда (педагогик жамоа ёки тиббиёт муассасаларида) анчагина самарали эканлигини исбот қилди ва бунда аёл табиатиға хос бўлган жиҳатлар муайян ижобий роль ўйнаши ўз исботини топди. Хотин-қизларни бошқарув ва раҳбарлик фаолиятиға ўқитиш тизимида биз қўлга киритган барча эмпирик натижаларни албатта инобатга олиш ва уларни самарали иқтисодий фаолиятини таъминлашға эришиш лозим.

Психологик нуқтаи назардан хотин-қизларнинг иқтисодий соҳада карьера қилиши ёки бошқарувға ўзини руҳан тайёрлашида унинг фаолиятиға туртки бўлган мотивацияси масаласи аҳамиятлидир. Яъни, бу том маънода нима мақсадда, ва қандай ички туртки-мотивлар инсонни айнан иқтисодчи бўлишға, кейинчалик бошқарувчи бўлишға ундайди, деган саволға жавобдир. Психология бу ҳолатни биринчи навбатда шахснинг ўзини ўзи амалий ҳаётда намоён этишға имконияти билан боғлаб ўрганади.

Чунки агар мотивация айнан истиқболға йўналган, дадил ва мақсадға қаратилган бўлса, ундай ёшларни нимагадир ўргатиш, ўқитиш осонроқ кечади. Айнан шу тоифа билан ўқитишнинг янгича инновацион технологияларини қўллаш сезиларли самаралар беради. Чунки ўқувчида ички руҳий ҳозирлик етарли даражада бўлади. Ички мотивацияси кучли ёшлар билан мулоқотдаги педагог-мутахассисдан ҳам кўпроқ интеллектуал салоҳият ва психологик компетенция талаб этилади.

Чунки ўқитиш технологияларини танлашда педагог аввало талабани муайян мақсадға эришишда бир қанча конкрет фаолият ва ҳаракатлар орасидан энг мақбули ва самаралисини танлаш шароитида ўқитиши, бунда унинг тафаккури ёки фикрлашидан ташқари, ижтимоий ҳулқнинг энг мақбул моделини танлашға ўргатиши мақсадға мувофиқдир. Иқтисодий таълимнинг энг муҳим вазифаси ҳам ёшлар учун ана шундай таъсирчан моделларни танлаш ва улар асосида инновацион технологияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Педагогик-психологик технологияларни танлашда биз қуйида таклиф этаётган типик вазиятларни асос қилиб олиш мумкин бўлади.

1-вазият: Талаба қиз келгусида раҳбар ёки бошқарувчи-менежер бўлиш учун яқин қариндошлари, ота-онаси ёки турмуш ўртоғининг қаршилигини енга олиши керак.

2-вазият: Иқтисодчи сифатида фаолият бошлаган аёлга бирдан кутилмаган ҳолда ўз жамоасини бошқариш таклиф этилди. Унинг тактик хулқи қандай бўлиши керак?

3-вазият: Мақсад-муддао раҳбар бўлиш эди, ходима ўз мақсадига эришиб раҳбар этиб тайинланди. Ишни нимадан бошлайди?

4-вазият: Талаба қиз табиатан шўх ва ўта мустақил. Унда бошқарувчи бўлиш имконияти қай даражада?

5-вазият: Раҳбар бўлиш истаги кучли, лекин одам билан муомалага киришишда муаммолари кўп.

Юқорида келтирилган ҳар бир вазият гуруҳ шароитида:

а) фақат қизлар аудиториясида;

б) қизлар ва йигитлар биргаликда ижтимоий психологик тренинг шаклида тўла таҳлил қилиниши, бунда ролли ўйинлардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин бўлади. **Мақсад – қизларни истиқболда қандай типик вазиятлар кутиши мумкинлиги тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш ва профессионал карьера қилиш малакаларини оширишдир.**

Иқтисодиёт университети қизлари билан истиқболда ўзларини қанчалик раҳбар аёл сифатида кўриши маъносида ўтказилган суҳбатлардан шу нарса аён бўлдики, қизларнинг ҳаммаси ҳам ўзларини айти пайтда бошқарувчи ёки менежер сифатида тасаввур қилмас экан. Чунки айти пайтда улар учун долзарб ҳисобланган нарса – бу ўқишни тугатиш. Чунки уларнинг кўплари ота-оналари раъйига қараб ўқишни тугатмай туриб, турмушга чиқиб кетишлари ҳам мумкинлигини, бу уларнинг профессионал малакаларига салбий таъсир кўрсатишини, келгуси карьера эса турмуш ўртоғи ва унинг яқинларининг фикр ва муносабатларига боғлиқ бўлишини англайдиган. Шунинг учун ҳам қизлар орасида ўз устида ишлаш, тинимсиз янгиликлардан хабардор бўлиш, манфаатли инсонлар билан ҳозирдан мулоқотга кириш каби келгуси карьерага алоқадор жиҳатлар камроқ намоён бўлди. Шундай бўлсада, замонавий қизлар психологиясидан келиб чиқиб, уларнинг рақобатбардош кадрлар бўлиб етишиш учун зарур бўлган *шахсий сифатлар алгоритми* яратилди, унда етакчи ўринда қуйидаги шахсий сифатлар жой олди:

- билим ва тажриба (танлаган йўланиши бўйича билимлардан ташқари, умуминсоний ва ижтимоий фанлар соҳаси, жумладан, психология фанидан чуқурроқ билимга эга бўлиш, истиқболдаги иш-фаолиятнинг барча босқичларини билиш);

- ҳар қандай топшириқни сифатли ва юқори савияда бажариш малакаси: сўралган вазифани аниқ ва етарли масъулият билан бажаришга фаолият бошидан ўрганиб бориш, ҳар бир бажарилган ишнинг раҳбарга маъқул бўлишига эришиш;

- иқтидор, ташаббускорлик ва ижодий ёндашувнинг борлиги (ноёб ва янги фикрларни дадил айта олиш, фикрлашдаги креативлик-эгиловчанлик, дунёқарашнинг кенглигини умумий маданий даража билан уйғунлаштириш);

- мақсадга интиловчанлик ва унга эришиш йўллари аниқ тасаввур қилиб қобиляти, чунки аниқ режа ва манфаат бўлгандагина шахс ўзини турли

тўсиқларни енгишга ундай олади, лекин ўз шахсий ишлаш услубининг бўлиши, унинг бошқалар ишлаш услубидан ажралиб туриши ўта муҳимдир;

- чидамлилиқ (бор ички имкониятларни сафарбар қилган ҳолда, иш талаб қилган даражада ўзида мақсад йўлида сабр-қаноатни тарбиялай билиш, танглик ҳолатларида ҳам ўзини ўзи бошқариш қобилияти, ишчанлик);

- оилавий ҳолати (Ўзбекистон шароитида муваффақиятли раҳбар аёлнинг оиласидаги тотувлик, бир-бирини тушуниш, яқин қариндошлар, жумладан, турмуш ўртоғининг ундан норози бўлмаслиги бошқарув фаолиятида жуда катта роль ўйнайди);

- ҳамиша муваффақиятга интилиш ва ишидаги самарадорлик.

Ушбу сифатларнинг мавжуд бўлишига ёрдам берувчи амалий машғулотларда қизлар билан ўтказиладиган ишчанлик ўйинлари, вазиятли ўйинлар кабилар улардаги энг муҳим ташкилотчилик сифатларини: а) *фикрлаш сифатлари* (аналитик қобилиятлар, фикрнинг эгилувчанлиги, катта ҳажмли маъуломотларни тезда оператив қайта ишлаш ва барча ҳолатларда оқилона ҳулосалар чиқариш); б) *коммуникатив малакалар* (натижага эришиш учун самарали амалий музокаралар юритиш, одамлар билан ҳамкорлик ва шерикчилик алоқаларини ўрната олиш, ўз фикрига ўзгаларни эргаштира олиш ва муроса қилиш); в) *ташкилотчилик сифатлари* (ўзининг ҳамда ўзгаларнинг фаолиятини ташкил эта олиш қобилияти, ўзгалар олдида вазифаларни аниқ қўя олиш, ва қобиятига қараб вазифаларни тақсимлаш, улар фаолияти устидан назорат қила олиш); г) *шахсий фазилатлар* (ишчанлик, маданият, оилавий тотувлик, ижобий натижаларга эришиш мотивациясининг кучлилиги, қийинчилик ва тўсиқлардан, турли миш-миш ва ғийбатлардан қўрқмаслик, ўз устида тинимсиз ишлаш..) тарбиялаш, бунда миллий ўзлигимиз ва менталитетимиз хусусиятларини унутмаслик керак бўлади.

Шу боис ҳам узлуксиз таълимнинг муҳим бўғини бўлган олий иқтисодий таълимда қизлардан бўлғуси раҳбар кадрлар тайёрлашда, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда юқоридаги психологик омилларни ҳисобга олиш ва уларга асосланиб, таъсирчан таълимий технологияларни яратиш алоҳида аҳамиятлидир. Мақсадимиз битта – Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун муносиб кадрларни етиштириш орқали буюк ва муқаддас Ватан равнақига улуш қўшиш, иқтисодий таълимнинг мафкураси бўлган “Ватан равнақига ҳисса қўшишни ҳар биримиз ўзимиздан, ўз устимизда тинимсиз ишлашдан бошлашимиз лозим” шиорини хотин-қизлар онига ҳам сингдиришдан иборатдир.